

**Ўзининг темир йўлларига эга бўлган юридик шахсларнинг темир йўл
транспорти ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом ўзининг темир йўлларига эга бўлган юридик шахсларнинг (кейинги ўринларда ташкилотлар деб аталади) темир йўл транспорти ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тартибини белгилайди.

2. Ташкилотларнинг темир йўл транспорти ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш темир йўл транспорти фаолиятини юқори даражада амалга оширишни таъминлаш, касбий тайёргарликнинг ташкилотларнинг темир йўл транспорти ходимлари бажарадиган вазифа ва функцияларига мувофиқлигини таъминлаш учун зарурий бўлган назарий ва амалий касбий билим, малака ва кўникмаларни чуқурлаштириш ва мунтазам янгилаб бориш мақсадида амалга оширилади.

Ташкилотларнинг темир йўл транспорти ходимлари улар амалга ошираётган темир йўл транспорти фаолиятининг тегишли йўналишлари бўйича ўз малакаларини ва касбий билимлари даражасини тизимли равишда ошириб боришлари шарт.

3. Ташкилотларнинг темир йўл транспорти ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш амалга ошириладиган темир йўл транспорти мутахассисликларининг рўйхати Ўзбекистон Республикаси темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси (кейинги ўринларда “Ўздавтемирйўлназорат” инспекцияси деб аталади) томонидан тасдиқланади.

4. Ташкилотларнинг темир йўл транспорти ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш “Ўздавтемирйўлназорат” инспекцияси ҳузуридаги Ўзининг темир йўлларига эга бўлган юридик шахсларнинг темир йўл транспорти ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш Маркази (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) томонидан амалга оширилади.

Марказ “Ўздавтемирйўлназорат” инспекцияси таркибий тузилмасига кирувчи, юридик шахс мақомига эга бўлган Давлат таълим муассасасидир.

5. Ташкилотларнинг темир йўл транспорти ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш ҳар уч йилда камида бир марта амалга оширилади.

Малака ошириш ва қайта тайёрлаш даврининг давомийлиги икки хафтадан кам бўлиши мумкин эмас.

6. Малака ошириш ва қайта тайёрлашдан муваффақиятли ўтган ташкилотларнинг темир йўл транспорти ходимларига белгиланган намунадаги, мазкур Низомга 1- ва 2-иловаларга мувофиқ шакллардаги гувоҳномалар берилади.

7. Ташкилотларнинг темир йўл транспорти ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш Марказ билан тегишли ташкилот ўртасида тузилган шартномаларга мувофиқ тўлов асосида амалга оширилади.

8. Ташкилотларнинг темир йўл транспорти ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Марказ томонидан тасдиқланадиган ташкилотларнинг темир йўл транспорти ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш курсларининг жадвали (кейинги ўринларда жадвал деб аталади) асосида ишдан ажралган ва ажралмаган ҳолда амалга оширилади.

Ташкилотларнинг темир йўл транспорти ходимларининг малака ошириш ва қайта тайёрлашнинг бутун даври мобайнида асосий иш жойи бўйича эгаллаб турган лавозими ва ўртача ойлик иш ҳақи сақлаб қолинади.

Марказга малака ошириш ва қайта тайёрлашдан ўтиш учун юборилган тингловчиларнинг малака ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича барча харажатлари, шу жумладан хизмат сафари харажатлари ўқишга юборган ташкилот томонидан қопланади.

Марказ бошқа шаҳардан келган курсларнинг тингловчиларини ўқиш даври мобайнида вақтинча турар жой (ётоқхона) билан таъминлаш чораларини кўради.

2-боб. Ташкилотларнинг темир йўл транспорти ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш курслари ташкилотчиларининг асосий вазифалари

9. “Ўздавтемирйўлназорат” инспекцияси Марказ фаолиятига умумий раҳбарлик қилади ва назоратни амалга оширади, Марказ моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича чоралар кўради, давлат талабларига мувофиқ таълим дастурларини тасдиқлайди, ташкилотларнинг темир йўл транспорти ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштиришнинг усул ва механизмларини белгилайди.

10. Марказ:

ташкилотларнинг буюртмалари асосида тингловчиларнинг кутилаётган контингентини аниқлайди, курсларни ўтказиш режасини тузади, уларни ўтказиш жойи, малака ошириш ва қайта тайёрлаш тури ва шаклини белгилайди, олий таълим муассасалари билан кадрларни биргаликда ўқитиш бўйича шартномалар тузади, ўқув режалари ва таълим дастурларининг мазмуни бўйича тавсиялар тайёрлайди;

ўқитишнинг илғор усуллари ва ахборот технологияларини қўллаган ҳолда малака ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнининг илмий-услубий асосларини, ўқув-услубий ҳужжатлар, табақалаштирилган ўқув режалари ва таълим дастурларини (шу жумладан масофавий таълим учун), илмий-услубий мажмуалар, ихтисос мутахассисликлар бўйича тарқатма материалларни, шунингдек таълим жараёнини умумлаштириш механизmlарини ишлаб чиқади, малака ошириш ва қайта тайёрлашнинг бевосита ва билвосита шакллари амалиётга киритади, улар натижасининг мониторингини олиб боради;

фанлар бўйича назарий билимларнинг темир йўл транспорти соҳасининг амалиёти билан ўзаро чамбарчас алоқасини таъминлайди, ўқув жараёнига илғор-технологиялар соҳасидаги илмий-тадқиқотлар натижаларини ўз вақтида тадбиқ этиш механизмини амалга оширади;

малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларининг машғулотларини ўтказиш учун олий таълим муассасасининг етакчи педогог кадрларини ва темир йўл транспорти соҳасида докторлик диссертацияларини ёқлаш бўйича илмий кенгаш аъзоларини, шунингдек шартнома асосида бошқа олий таълим муассасаларининг юқори малакали педагог кадрлари, мутахассисларини, ўқув-услубий ходимлар ва амалиётчи-мутахассисларни, жумладан хорижий мамлакатлардан кенг жалб қилинишини таъминлайди;

темир йўл транспорти соҳасининг замонавий илғор технологияларидан фойдаланишга оид хорижий тажрибани умумлаштиради ва тадбиқ қилади;

малака ошириш ва қайта тайёрлаш йўналишлари бўйича зарур ахборий-маълумотлар базасини шакллантиради, малака ошириш ва қайта тайёрлаш жараёни учун ўқитишнинг инновацион, интерфаол, мультимедиа педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этишни ташкил этади;

курслар якунлари бўйича малака ошириш ва қайта тайёрлашнинг тегишли йўналишлари бўйича оралиқ ва якуний тест-назоратларини ташкил этади ва ўтказиши, уларнинг натижаларини тегишли ҳужжатларда қайд этади, қайта тайёрлаш курсларида курслар якунланишидан олдин тест синовлари натижаларини имтиҳон бўйича комиссияга тақдим этади;

темир йўл транспорти ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлашнинг лозим даражада ташкил қилиниши ва ўтказилиши учун жавобгар бўлади.

Марказнинг фаолияти қонунчиликка мувофиқ Марказ Устави билан белгиланади.

11. Ташкилотлар:

ўз ходимлари таркибидан муайян йўналишлар бўйича темир йўл транспорти ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида қатнашиши лозим бўлган тингловчилар контингентини аниқлайдилар;

темир йўл транспорти ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида ўз ходимлари тайёргарлигининг талаб қилинадиган сифатини таъминлаш бўйича мақсадли топшириқларни тасдиқлайдилар;

Марказ томонидан тасдиқланган жадвал асосида ўзларининг ходимларини кўрсатилган курсларга белгиланган муддатларида кечикмасдан етиб келишларини таъминлайдилар;

темир йўл транспорти ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш курсларидан ўтган шахсларнинг касбий фаолиятларининг доимий мониторингини ташкил қилади;

юқори кўрсаткичларга эришган ўзларининг темир йўл транспорти ходимларини моддий рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқадилар ва амалга оширадилар, шунингдек, бошқа лавозимларга танловлар ўтказиш жараёнида бу кўрсаткичларни асосий мезон сифатида эътиборга оладилар.

3-боб. Ташкилотларнинг темир йўл транспорти ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш шакллари

12. Ташкилотларнинг темир йўл транспорти ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бевосита ва билвосита шаклларда амалга оширилади.

13. Бевосита шаклдаги малака ошириш ва қайта тайёрлаш ишдан ажралган ва ажралмаган ҳолда қуйидагича ташкил қилинади:

таълим дастурлари асосида асосий ишдан ажралган ҳолда — ўқув дастурларига мос ҳолда янги назарий ва амалий билимлар, малака ва кўникмаларни ўзлаштириш;

таълим дастурлари асосида асосий ишдан ажралмаган ҳолда — буюртмачининг талаби асосида Марказ ва ташкилотлар ўртасида тузилган таълим хизматини кўрсатиш шартномасига биноан, “Ўздавтемирйўлназорат” инспекцияси билан келишилган ҳолда амалга ошириладиган малака ошириш шакли;

темир йўл транспорти соҳаси муассасаларида малакавий амалиёт (стажировка) ўташ — темир йўл транспорти ходимларининг амалий билимлари, кўникма ва малакаларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш ҳамда ўқув жараёнида олган назарий билимларини амалиётда қўллаш.

Ташкилотларнинг темир йўл транспорти ходимлари малакавий амалиёт (стажировка) ўташни хорижий давлатларнинг темир йўл транспорти ходимлари малакасини оширишга ихтисослашган муассасаларида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ҳамда темир йўл транспорти соҳаси ташкилотлари билан хорижий давлатларнинг тегишли ташкилотлари ва муассасалари ўртасида тузилган шартномалар, шунингдек хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар томонидан темир йўл транспорти соҳасини

ривожлантириш мақсадида ажратиладиган грантлар асосида амалга оширишлари мумкин.

14. Билвосита шаклда малака ошириш ва қайта тайёрлаш — ташкилотларнинг темир йўл транспорти ходимларининг масофадан туриб амалга ошириладиган таълим шакли, ўз билимини мустақил ошириши, тажриба алмашиши, Марказ томонидан ташкил этиладиган темир йўл транспорти ходимларининг семинар, давра суҳбати ва конференцияларда ҳамда бошқа шу каби тадбирларда иштирок этиши ва маърузалар билан чиқиши орқали амалга оширилади.

Масофадан туриб амалга ошириладиган таълим ахборот-коммуникация технологияларига асосланади ва асосий ишдан ажралмаган ҳолда ташкил этилади.

Масофадан туриб амалга ошириладиган таълим тегишли ўқув дастури асосида ташкил қилинади ҳамда малака оширишнинг мустақил шакли сифатида ёки ташкилотларнинг темир йўл транспорти ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлашнинг бевосита шаклининг таркибий қисми сифатида амалга оширилиши мумкин.

Малака ошириш ва қайта тайёрлашни билвосита шаклида амалга оширган тингловчилар малака ошириш ва қайта тайёрлашдан муваффақиятли ўтганликлари тўғрисидаги белгиланган намунадаги ҳужжатни олишлари учун Марказда ташкил этиладиган якуний имтиҳонларда ўзлари бевосита иштирок этишлари шарт.

4-боб. Ташкилотларнинг темир йўл транспорти ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича ўқув жараёнини ташкил этиш тартиби

15. Ташкилотларнинг темир йўл транспорти ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш “Ўздавтемирийўлназорат” инспекцияси томонидан тасдиқланадиган мақсадли таълим дастурлари бўйича амалга оширилади. Ўқув юкламасини режалаштиришда ташкилотларнинг темир йўл транспорти ходимларининг мустақил ишлашига алоҳида эътибор қаратилади.

Қайта тайёрлашнинг қанча давом этиши илгари олинган таълим даражасига, қайта тайёрлашнинг тури ва кўп меҳнат талаб қилишига, ўқитиш шаклларига боғлиқ бўлади ва асосий ишдан ажралган ҳолда ўқитилганда камида 16 ҳафта (576 академик соат) бўлиши керак.

Ўқув юкламасининг умумий ҳажми предметлар блоклари бўйича, кадрлар буюртмачиси томонидан белгиланадиган қайта тайёрлашга талаблардан келиб чиққан ҳолда тақсимланади.

16. Ташкилотларнинг темир йўл транспорти ходимлари малакасини ошириш икки ҳафтадан (72 академик соатдан) кам бўлмаган муддатга ташкил этилади.

17. Ташкилотларнинг темир йўл транспорти ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича ўқув жараёни ҳафтасига кўпи билан 36 академик соат ҳажмида амалга оширилади.

Барча турдаги аудитория машғулотларининг давомийлиги 80 дақиқани ташкил қилади, ўқув машғулотлари орасидаги танаффус – камида 10 дақиқа.

18. Ташкилотларнинг темир йўл транспорти ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш курсларида ўқув жараёни Марказда, ташкилотлар томонидан тақдим қилинган йиллик буюртманомалар бўйича гуруҳларнинг тўлишига боғлиқ ҳолда тингловчилар сони, камида 15 - 25 кишини ташкил этган академик гуруҳларда ташкил этилади. Истисно тариқасида:

ўқув жараёнини ташкил этиш доирасида тингловчилар сони етарли бўлмаган, тингловчилар контингенти кам сонли йўналишларида белгиланган меъёрлар бўйича гуруҳларни шакллантиришда таълимнинг алоҳида йўналишлари бўйича бир гуруҳдаги тингловчилар сони камида 10 нафар этиб белгиланиши мумкин;

вазиятдан келиб чиққан ҳолда, йил давомида айрим йўналишлар бўйича тингловчилар сони 5 кишидан камни ташкил этганида, “Ўздавтемирйўлназорат” инспекцияси билан келишилган ҳолда Марказ буйруғи билан йил давомида бу тингловчилар учун малака ошириш ва қайта тайёрлашнинг масофавий шакли қўлланилиши мумкин.

19. Ташкилотлар ҳар йили декабрь ойининг биринчи ўн кунлигида прогноз қилинаётган эҳтиёжни аниқлайдилар, келгуси йил учун ўзларининг темир йўл транспорти ходимларидан малака ошириш ва қайта тайёрлашга юбориладиган тингловчилар контингентини шакллантирадилар ва кўрсатилган маълумотларни Марказга юборадилар.

Темир йўл транспорти ходимларини Марказга малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларига юбориш учун танлаб олишда темир йўл транспорти ходимларининг малака даражалари бўйича ўтказилган мониторинг натижалари, шунингдек номзодларнинг малака ошириш курсларидан охириги марта ўтган муддатлари асосий мезонлар бўлиб хизмат қилади. Ўқишни тугатган йили ишга қабул қилинганлар малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларидан фаолиятининг учинчи йили ўтадилар.

Ташкилотлар ўзларининг темир йўл транспорти ходимлари малака ошириш ва қайта тайёрлашдан ўз муддатида ўтишлари (белгиланган даврийликни ҳисобга олган ҳолда) ва тўлиқ қамраб олинишига масъулдирлар.

20. Марказ ташкилотлардан олган маълумотлари асосида ҳар йили декабр ойининг иккинчи ўн кунлигида келаси йил учун темир йўл транспорти ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашнинг прогноз қилинаётган режа-дастурини тузади.

Тузилган прогноз режа-дастурга мувофиқ Марказ декабр ойининг учинчи ўн кунлигида йиллик жадвални тингловчилар контингентининг курслардан ўтишини категориялар ва вақт бўйича тақсимотини, малака ошириш ва қайта тайёрлашнинг тури ва шаклини кўрсатган ҳолда ишлаб чиқади ва тасдиқлайди ҳамда кўрсатилган жадвални ташкилотларга юборади.

Жадвалга ташкилотларнинг айнан битта темир йўл транспорти ходимининг малака ошириш ва қайта тайёрлашдан ўтишнинг белгиланган даврийлигидан қисқароқ муддатларда қайта киритилишига йўл қўйилмайди.

21. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларига етиб келган ташкилотларнинг темир йўл транспорти ходимларини Марказга қабул қилиш тасдиқланган жадвал ва жўнатувчи ташкилотнинг тегишли буйруғи асосида Марказ раҳбарининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Тингловчиларни малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларига қабул қилиш тўғрисидаги буйруқ Марказ томонидан ўқув машғулотлари бошланганидан кейин уч кун ичида расмийлаштирилади.

22. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш курслари бошланганидан кейин икки кун муддат ичида ўқишга етиб келмаган ташкилотларнинг темир йўл транспорти ходимлари етиб келмаганлигининг сабабларидан қатъи назар ўқув машғулотларига қўйилмайдилар.

Ташкилотларнинг темир йўл транспорти ходимларида малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларига ўз муддатида етиб келмаганлигининг ҳужжат билан тасдиқланган узрли сабаблари мавжуд бўлганида, уларга таълимнинг тегишли йўналиши (мутахассислиги) бўйича кейинги курсларда малака ошириш ва қайта тайёрлашдан ўтиш ҳуқуқи берилади.

Ташкилотларнинг темир йўл транспорти ходимларининг касаллиги тасдиқланган ҳолатларда улар томонидан малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларидан ўтиш вақти тасдиқланган режа-жадвалга мувофиқ равишда Марказ директорининг буйруғи асосида биров кейинроқ муддатларга ўтказилади.

Ташкилотларнинг темир йўл транспорти ходимларининг малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларига ўз муддатида етиб келмаган барча ҳолатлари тўғрисида Марказ ўқишга жўнатувчи томонни тегишли чоралар кўришлари учун хабардор қилади.

23. Ташкилотларнинг темир йўл транспорти ходимлари малака ошириш курсларида узрли сабабларсиз 8 академик соатдан ва қайта тайёрлаш курсларида 18 академик соатдан кўп ўқув машғулотларини қолдирганлик учун, шунингдек белгиланган ўқув юкларини бажармаганлик ва таълим дастурларини ўзлаштирмаганлик учун Марказ раҳбари буйруғи билан курс тингловчилари сафидан четлатилдилар. Бу ҳақдаги маълумот Марказ томонидан ташкилотларнинг темир йўл транспорти ходимларининг асосий иш жойларига юборилади.

Ўқув машғулотларини узрли сабабларсиз қолдирганлиги учун малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларининг тингловчилари сафидан четлатилган ташкилотларнинг темир йўл транспорти ходимлари бир йил мобайнида малака ошириш ва қайта тайёрлашнинг кейинги курсларидан тўлов асосида такроран ўтишлари лозим.

24. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларига ўқув машғулотларини ўтказиш учун олий таълим муассасасининг етакчи педагог кадрлари, шунингдек юқори малакали педагог кадрлар, чет эллик мутахассислар, ўқув-услугиётчи ходимлар ва амалиётчи-мутахассислар шартнома асосида жалб қилиниши мумкин.

Ташкилотларнинг темир йўл транспорти ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида ўқитишни меҳнатига соатбой ҳақ тўлаш шартларида амалга оширувчи педагогик таркибнинг ўқув юкламаси ҳажми улар томонидан ўқув йили давомида белгиланган меъёрлар бўйича амалда бажарилган ўқув ишларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

25. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларини тўлиқ ўзлаштирилганларидан кейин оралиқ тест-назоратларини муваффақиятли топширган ташкилотларнинг темир йўл транспорти ходимлари якуний имтиҳонга қўйиладилар.

Марказ раҳбарининг буйруғи билан якуний имтиҳонни ўтказиш бўйича имтиҳон комиссияси ташкил этилади. Якуний имтиҳон тингловчиларнинг бевосита иштирокида ўтказилади ва малака ошириш курслари тингловчилари учун якуний тест синовдан ҳамда қайта тайёрлаш курслари тингловчилари учун якуний тест синовлари ва битирув ишининг ҳимоясидан ташкил топади.

Оралиқ тест-назоратини топширмаган ташкилотларнинг темир йўл транспорти ходимлари Марказ томонидан якуний имтиҳонга қўйилмайдилар, мос равишда уларга малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларини тугатганлик тўғрисида белгиланган намунадаги ҳужжат берилмайди.

26. Ташкилотларнинг темир йўл транспорти ходимларининг малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларидаги ўзлаштириши рейтинг баҳолаш тизими асосида назорат қилинади.

27. Таълим дастурини ўзлаштириши бўйича якуний имтиҳон натижасида қониқарсиз баҳо олган ташкилотларнинг темир йўл транспорти ходимларига ўқув курсини тугатганлиги тўғрисида маълумотнома берилади.

5-боб. Ташкилотларнинг темир йўл транспорти ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимида таълим жараёнининг мазмуни ва сифатига қўйиладиган асосий талаблар

28. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ ташкилотларнинг темир йўл транспорти ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимининг таълим

жараёнининг ташкилий, таркибий ва услубий таъминотини такомиллаштириш, сифати ва самарадорлигини тизимли равишда ошириш ташкилотларнинг темир йўл транспорти ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимида таълим жараёнининг мазмуни ва сифатига қўйиладиган асосий талаблар бўлиб ҳисобланади.

Ташкилотларнинг темир йўл транспорти ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимида мутахассисликлар бўйича ўқув режаси ва ўқув дастури етакчи мутахассислар ва профессор-ўқитувчилар таркиби томонидан тузилади ва услубий-норматив ҳужжатлар ҳисобланади.

Мутахассисликлар бўйича ўқув дастури ташкилотларнинг темир йўл транспорти ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш Маркази томонидан ишлаб чиқилади ва қуйидагилардан иборат бўлади:

аннотация;

кириш (ўқув дастурининг мақсади ва вазифалари, кутилаётган натижалар);

асосий қисм (маърузалар, семинарлар ва амалий машғулотлар мавзулари, уларни ўтказиш бўйича услубий тавсиялар, ўзлаштирилиши керак бўлган малака ва кўникмалар рўйхати, ўқув юкмаси ҳажми, ўқув адабиётлари ва монографиялар рўйхати).

Ташкилотларнинг темир йўл транспорти ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлашнинг ўқув режалари ва дастурлари, ташкилотларда темир йўл транспорти иши самарадорлигининг таҳлилий ва умумлаштирилган маълумотлари, уларни яхшилаш бўйича “Ўздавтемирйўлназорат” инспекцияси томонидан тайёрланган тавсиялари асосида ишлаб чиқилади.

Ташкилотларнинг темир йўл транспорти ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлашнинг ўқув дастурлари, ташкилотларнинг темир йўл транспорти ходимларининг норматив-ҳуқуқий актлар ва техник тартибга солиш соҳасининг темир йўл транспортига оид норматив ҳужжатлари билан белгиланган асосий вазифалари ва функцияларига мувофиқ бўлиши лозим.

29. Ташкилотларнинг темир йўл транспорти ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимида ўқув дастури мазмунига қўйиладиган талаблар мутахассислик бўйича зарур ҳамда етарлича билим ва кўникмаларни ўзлаштириш ҳисобга олинган ҳолда мутахассиснинг малака тавсифномасига қатъий мувофиқлик тамоийллари асосида белгиланади.

Ташкилотларнинг темир йўл транспорти ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимида ўқув дастури фан, техника, технологиянинг энг сўнгги ютуқларига мувофиқ ишлаб чиқилиши ҳамда темир йўл таълим тизимида узвийлик ва изчилликни таъминлаш талабларига жавоб бериши керак.

30. Ўқув режалари ва дастурларини тузиш, экспертизадан ўтказиш, тасдиқлаш, ташкилотларнинг темир йўл транспорти ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимининг таълим жараёнига жорий этиш

тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан белгиланади.

6-боб. Яқуний қондалар

31. “Ўздавтемирйўлназорат” инспекцияси ташкилотларнинг темир йўл транспорти ходимлари назорат ҳисобини юритади.

Темир йўл ташкилотлари ва уларнинг ходимлари тўғрисидаги назорат ҳисобини ташкил этиш ва маълумотларни тизимлаштириш учун “Ўздавтемирйўлназорат” инспекцияси ташкилотларнинг кадрлар таркиби, бу ташкилотларнинг ходимлари малака ошириш ва қайта тайёрлашдан ўтганликлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига оладиган ахборотлар базасини шакллантиради ва марказлаштирилган тартибда олиб боради.

Ташкилотлар ҳар йили 15 декабргача “Ўздавтемирйўлназорат” инспекциясига ташкилотларнинг темир йўл транспорти ходимлари тўғрисида маълумот тақдим этадилар.

Йил давомида ташкилотларнинг темир йўл транспорти ходимлари тўғрисидаги маълумотлар ўзгарган (бўшатиш ёки тайинлаш ва бошқалар) тақдирда ташкилотлар ўн кун муддат ичида тегишли маълумотни “Ўздавтемирйўлназорат” инспекциясига тақдим қиладилар.

Иккинчи ва учинчи хатбошиларда келтирилган маълумотлар, агар техник имконият мавжуд бўлса, электрон ҳужжат шаклида тақдим қилинади.

32. Марказ ҳар чоракда “Ўздавтемирйўлназорат” инспекциясига малака ошириш ва қайта тайёрлашдан ўтган ташкилотларнинг темир йўл транспорти ходимлари тўғрисидаги маълумотларни, темир йўл транспорти ташкилотларининг ахборотлар базасига киритиш ва уни тизимли янгилаш учун тақдим қилади.

Темир йўл транспорти ташкилотларининг ахборотлар базасини шакллантириш ва юритиш тартиби, ахборотлар базасига киритиш учун маълумотларни тақдим этиш шакли ва муддатлари “Ўздавтемирйўлназорат” инспекцияси томонидан белгиланади.

33. Ташкилотларнинг темир йўл транспорти ходимларининг малака ошириш ва қайта тайёрлашдан ўтишлари билан боғлиқ харажатлар кўрсатиб ўтилган ходимларни малака ошириш ва қайта тайёрлашдан ўтиш учун жўнатган ташкилотларнинг маблағлари ҳисобидан қопланади.

Ўзининг темир йўлларига эга бўлган
юридик шахсларнинг темир йўл
транспорти ходимлари малакасини
ошириш ва уларни қайта тайёрлаш
тартиби тўғрисидаги Низомга
1-ИЛОВА

Ўзининг темир
йўлларига эга бўлган юридик
шахсларнинг темир йўл
транспорти ходимлари
малакасини ошириш ва қайта
тайёрлаш Маркази



Центр повышения
квалификации и переподготовки
работников железнодорожного
транспорта юридических лиц,
имеющих в собственности
железнодорожные пути

**Малака ошириш тўғрисида
Г У В О Ҳ Н О М А**

№ _____

« ____ » _____ 20__ йил

_____ (берилган жойи)

_____ (Ташкилотнинг темир йўл транспорти ходимининг фамилияси, исми, шарифи)

« ____ » _____ 20__ йилдан « ____ » _____ 20__ йилгача

жами _____ соатлик

_____ (малака ошириш курсининг номи)

курсларини муваффақиятли тугатди.

Комиссия раиси

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

(М.Ў.)

Амал қилиш муддати: 3 йил

Ўзининг темир йўлларига эга бўлган
юридик шахсларнинг темир йўл
транспорти ходимлари малакасини
ошириш ва уларни қайта тайёрлаш
тартиби тўғрисидаги Низомга
2-ИЛОВА

Ўзининг темир
йўлларига эга бўлган юридик
шахсларнинг темир йўл
транспорти ходимлари
малакасини ошириш ва қайта
тайёрлаш Маркази



Центр повышения
квалификации и переподготовки
работников железнодорожного
транспорта юридических лиц,
имеющих в собственности
железнодорожные пути

Қайта тайёрлаш тўғрисида Г У В О Ҳ Н О М А

№ _____

« ____ » _____ 20 ____ йил

_____ (берилган жойи)

_____ (Ташкилотнинг темир йўл транспорти ходимининг фамилияси, исми, шарифи)

« ____ » _____ 20 ____ йилдан « ____ » _____ 20 ____ йилгача

жами _____ соатлик

_____ (қайта тайёрлов курсининг номи)

курсларини муваффақиятли тугатди.

Комиссия раиси

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

(М.Ў.)